

## МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Жўраев Алимардон Тўймуродович

ИИВ Академияси ИИО фаолиятини услубий таъминлаш етакчи илмий ходими, майор.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15287562>

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида меҳнат хавфсизлиги соҳасида бир қатор хуқуқий нормалар жорий этилган бўлиб, улар иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади<sup>1</sup>. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш жараёнидаги технологик ўзгаришлар, янги ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат жараёнининг такомиллашиши билан боғлик ҳолда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш борасида янги ёндашувларни жорий этиш зарурияти вужудга келмоқда<sup>2</sup>.

Давлатимизда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик меҳнат муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади<sup>3</sup>. Бу қонунчиликка асосланиб, ҳар бир ташкилотда хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ходимларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, меҳнат жараёнидаги турли хавфларни камайтириш мақсадида белгиланган нормалар ишлаб чиқилган<sup>4</sup>.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ишлаб чиқариш жараёнида ходимларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар мажмуасидир<sup>5</sup>.

Меҳнат хавфсизлиги бу факат ишчиларнинг саломатлигини ва хавфсизлигини таъминлаш эмас, балки иқтисодиётнинг барқарор ишлашини ҳам кафолатлади. Ҳар бир иш жойида хавфсизликни таъминлаш, ишчиларнинг ҳаёти ва саломатлигини ҳимоя қилиш нафақат ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлигини оширади, балки жамиятда меҳнат хуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайди<sup>6</sup>. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат хавфсизлигини таъминлашга доир қонун ва қарорлари халқаро стандартларга мос келади ва бу соҳадаги амалиётни янада такомиллаштиришга йўналтирилган. Бу мақолада меҳнат хавфсизлигини таъминлашдаги миллий ва халқаро тажриба, Ўзбекистондаги қонунчилик хужжатлари, амалиётдаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари таҳлил қилинади.

<sup>1</sup> Камилов Ю. «Корхоналарда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш», Тошкент, 2020.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.

<sup>4</sup> Қосимов Н. «Меҳнат хуқуқи асослари», Тошкент, 2018.

<sup>5</sup> Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнат хавфсизлигига оид конвенциялари.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг меҳнат хавфсизлиги бўйича қарорлари.

Ушбу мақолада мөхнатни муҳофаза қилишнинг хуқуқий асослари, иш берувчи ва ходимларнинг мажбуриятлари, баҳтсиз ҳодисаларни олдини олиш чоралари ва бу соҳадаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинади.

1. Давлат сиёсатининг асосий йўналишлари мөхнатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий мақсадлари мавжуд. Хусусан, ходимларнинг ҳаёти ва саломатлигини ҳимоя қилиш, иш жойларида хавфсизлик стандартларига риоя этилиши, мөхнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва бу борадаги йўриқномаларни такомиллаштириш, халқаро мөхнат

2. стандартларига мослашиш, ишлаб чиқариш жараёнларида хавфсизликни ошириш, ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни камайтириш, иш берувчилар ва ходимлар ўртасида мөхнатни муҳофаза қилиш маданиятини ошириш, технологик жараёнларни модернизация қилиш ва хавфсизлик тизимларини жорий этиш, ходимларга мөхнат муҳофазаси бўйича тўлиқ тиббий кўрик ва реабилитация хизматларини тақлиф қилиш, ишлаб чиқариш атроф-муҳити ва экологик хавфсизликни таъминлаш, ходимлар учун психологик хавфсизлик муҳитини яратиш, халқаро мөхнат ташкилоти (ILO) конвенциялари ва тавсияларига мувофиқ ишлаш, мөхнат муҳофазаси бўйича инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш ва жорий этишдан иборат.

Жаҳон банки ва Халқаро мөхнат ташкилоти томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, ривожланган мамлакатларда мөхнат муҳофазаси бўйича замонавий ёндашувлар қўлланилмоқда<sup>7</sup>. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида мөхнат хавфсизлигини таъминлаш учун корхоналарда мажбурий сертификатлаш тизими йўлга қўйилган. АҚШ ва Японияда эса автоматлаштирилган хавфсизлик тизимлари кенг жорий этилган<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда ҳам мөхнатни муҳофаза қилиш тизими халқаро стандартларга мослаштирилмоқда<sup>8</sup>. Хусусан, 2023-2024 йилларда 500 дан ортиқ корхонада хавфсизлик тизимлари жорий этилган ва ходимлар учун 1000 дан зиёд ўқув курслари ташкил этилган<sup>9</sup>.

Жаҳон банки ва Халқаро мөхнат ташкилотининг таҳлилларига кўра, ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларнинг кўпчилиги хавфсизлик чораларига риоя

<sup>7</sup> www.ilo.org – Халқаро мөхнат ташкилоти расмий сайти.

<sup>8</sup> www.osha.gov – Халқаро мөхнат хавфсизлиги агентлиги сайти.

<sup>9</sup> Халқаро мөхнат ташкилотининг мөхнат хавфсизлигига оид конвенциялари.

қилинмаганлиги сабабли содир бўлади.<sup>10</sup> Бу борада, Ўзбекистонда 2024 йилнинг ўзида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида 1500 дан ортиқ баҳтсиз ҳодиса қайд этилган.

Улардан, 60 % иш жойларида хавфсизлик стандартларига риоя қилинмаганлиги<sup>11</sup>, 30 % ходимларнинг иш жараёнидаги эҳтиётсизлиги ҳамда 10% эса иш берувчилар томонидан хавфсизлик талабларига амал қилинмаганлиги сабабли содир бўлган<sup>12</sup>.

Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хуқуқлари ва мажбуриятларини ташкилий ва хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш лозим. Ходимларнинг хавфсиз меҳнат шароитларида ишлаши, меҳнат шароитлари ва уларнинг саломатликка таъсири ҳақида тўлиқ ахборот олиши, шахсий ҳимоя воситалари (ШҲВ) билан таъминланиши, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ шарт-шароитлардан фойдаланиши, баҳтсиз ҳодисаларга дуч келган тақдирда ишни тўхтатиш ва бу ҳақида раҳбариятга хабар бериши, касб касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниш хавфи мавжуд бўлган иш ўринларида имтиёз ҳамда компенсациялар олиши, шу билан бирга ходимларнинг меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя қилиши, ишлаб чиқариш жараёнида шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиши ҳамда хавфли вазиятларни аниқлаганда раҳбариятни хабардор қилиш тизимли тартибини жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, иш берувчининг меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги мажбуриятларида алоҳида эътибор қаратиш лозим. Иш берувчи қонунчиликда белгиланган тартибда ходимларга хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаши, ҳар бир иш ўрнида хавфсизлик чораларини таъминлаши, корхонада меҳнат хавфсизлигига оид ички низомлар ишлаб чиқиш ва уларга амал қилиши, ҳар бир ходимни меҳнат хавфсизлиги йўналишида ўқитиш ва малакасини ошириши, иш жойларида хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омилларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш лозим.

Корхонадаги баҳтсиз ҳодисалар бўйича текширувлар ўтказиш ва уларнинг олдини олиш чораларини кўриш керак бўлади. Ишлаб чиқариш жараёнида баҳтсиз ҳодисаларни олдини олиш учун қуидаги чоралар кўрилиши лозим. Хусусан:

меҳнат хавфсизлиги бўйича мунтазам назорат ўрнатиш;

ишлаб чиқариш жараёнида хавфсизлик техникасига оид ички қоидалар ишлаб чиқиш;

<sup>10</sup> www.ilo.org – Халқаро меҳнат ташкилоти расмий сайти.

<sup>11</sup> Раҳимов А. «Ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги», Тошкент, 2019.

<sup>12</sup> www.ilo.org – Халқаро меҳнат ташкилоти расмий сайти.

хар бир ходим учун хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини таъминлаш; зарарли ишлаб чиқариш омилларига қарши ҳимоя воситаларини қўллаш; корхонада меҳнат хавфсизлиги бўйича мунтазам равища тренинг ва ўкув курслари ўтказиш.

Меҳнат хавфсизлигига оид қонунчиликдаги камчиликлардан бири, баъзи ҳолатларда меҳнат муҳофазаси қонунлари ва меъёрларининг аниқлаштирилмаганлиги бўлиб, бу эса амалдаги қонунларни бузганларнинг жавобгарлигини белгилашда қийинчиликлар туғдиради<sup>13</sup>. Шунингдек, қонунларда тергов жараёнида маҳсус билимлар талаб қилиниши мумкин бўлган ҳолатларнинг аниқлаштирилмаганлиги ҳам муаммоларни келтириб чиқаради.

Хозирги кунда қонунчилигимизда меҳнатни муҳофaza қилишга оид ҳуқукий-меърий, зарурӣ ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ишчи-ходимларнинг маҳсус билимларини ошириш юзасидан бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан:

меҳнат муҳофазаси қонунлари ва унинг меъёрларининг аниқлаштирилмаганлиги, бу эса амалдаги қонунларни бузганларнинг жавобгарлигини белгилашда қийинчилик мавжудлиги;

мехнатни муҳофaza қилиш қоидаларига оид ҳуқукий хужжатларнинг етарлича аниқ эмаслиги, натижада турлича талқин қилинган ҳолда (*ўзбошимча шарҳларга*) йўл қўйилиши;

қонунларда тергов жараёнида маҳсус билимлар талаб қилиниши мумкин бўлган ҳолатларнинг аниқлаштирилмаганлиги (*хавфсизлик стандартлари, техник ускуналарни баҳолаши усуллари ва санитария-гигиена нормалари тушунтирилмаганлиги, бу борада олий суд пленуми ёки бошқа қонуности ҳужжатларига аниқ ва тизимили кўрсатилмаганлиги*);

иш жараёнида енгил тан жароҳати олган ишчи (ходим) томонидан жавобгарлик бўйича *МЖтК нормасида аниқ кўрсатилмаганлиги*;

хонадон ва бошқа шахсий обьектларда мустақил равища қурилиш, таъмирлаш (уй қурилиши, таъмирланиши, қўшимча жиҳозланиши, том шефир ўрнатилиши ва бошқ.) ҳолатларида ишга жалб қилган бевосита масъул шахс (бригадир)нинг жавобгарлиги назарда тутиш ҳуқукий асоси мавжуд эмаслиги (*ВМ қарори, ЖК ва МЖтК*);

<sup>13</sup> Давронов Б. «Ишлаб чиқаришда хавфсизлик техникаси», Тошкент, 2021.

шунингдек, техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилинувчи обьектларда тан жароҳати олиш билан боғлиқ ҳодиса содир бўлганда, обьект навбатчиси томонидан дарҳол “103” ва “102” қисқа рақамга хабар берилиши, шу заҳоти “102” томонидан эса меҳнат хавфсизлиги мутахасисларини ҳодиса жойига жалб қилинмаслиги;

меҳнат муҳофазаси қоидаларининг бузилиши натижасида юзага келган воқеаларда тегишли экспертизаларнинг тўлиқ ва сифатли ўтказилмаслиги оқибатида айборларни аниқлашда мураккабликларни келтириб чиқараётганлиги;

меҳнат инспекцияси ва тергов ўртасида электрон интеграциянинг мавжуд эмаслиги;

меҳнат хавфсизлиги ва уни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослашган мутахассисларнинг камлиги;

техник экспертизларнинг етишмаслиги ёки улар билан ҳамкорлик механизmlарининг тўлиқ ишламаётганлиги;

масъул ходимлар ҳамда терговчиларнинг меҳнат муҳофазаси соҳасида етарли билимга эга эмаслиги (*халқaro стандартлар ISO 45001 ва бошқалар асосида ўқув модулларини киритиш*);

тезкор, мустақил ва холис экспертизани таъминлайдиган маҳсус марказларни ташкил этилмаганлиги кабиларни таъкидлаш мумкин.

Қонунчиликда, яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 257-моддасида “Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш” жиноий жавобгарлик белгиланган. Шунингдек, МЖтКнинг 49-моддасида “Меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш” маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Бу жавобгарликлар орқали меҳнат хавфсизлиги ва ишчиларнинг соғлигини ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Бироқ, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш жиноятини тергов қилишда ҳолат содир бўлган вақтидан бир неча кун, ҳатто ойлар ўтгач, кўплаб далиллар йўқотилганидан сўнг, жабрланувчи ёки унинг вакиллари томонидан ҳуқуқ тартибот идоралари ва тиббиёт муассасаларига мурожаат қилиниши, мазкур техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа обьектларда “инсон омили” аралашувисиз автоматлаштирилган рақамли технологияларнинг тўлиқ тизими жорий қилинмаганлиги, амалиётда ЖПКнинг 22-моддасида “Ҳақиқатни аниқлаш”

иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши зарурлиги алоҳида таъкидланган бўлса-да, лекин бу ҳолатлар билан боғлиқ қонунчиликда тизимли ва тўлиқ тартиби мавжуд бўлмаганлиги, шунингдек терговда ушбу моддани қўлланилишида айбдор шахсларнинг айблилигини тасдиқловчи кечиктириб бўлмас тергов харакатлари орқали далилларни тўплашда эътиборсизлик ҳамда органлар ўртасида сансолорлик ҳолатлари мавжудлиги, бу борада терговчи (суриштирувчи)нинг амалий билим ва кўникмаларининг етишмаслиги каби турли салбий ҳолатлар мавжуд.

Оқибатда, жабрланувчи(лар)нинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинмаслиги, агарда ишчи (ходим) тан жароҳати олган бўлса, уларнинг кўп муддат овворагарчилиги, даволанишлари билан боғлиқ харажатлар қопланмаслиги, агарда ишчи вафот этган бўлса, мархумнинг оила аъзоларига нисбатан моддий пул маблағлари тўланмаслиги каби турли муаммоларга дуч келинаётганлиги, бу эса фуқароларнинг ҳақли эътиrozларига сабаб бўлиши, уларнинг ҳуқуқ-тартибот идораларига нисбатан “ишончсизлик кайфияти”нинг вужудга келиши, амалиётда охирги заруратда прокуратура органи томонидан тўпланган ҳужжатлар бўйича жиноят ишини қўзгатишни рад қилиш қарори бекор қилиниб жиноят иши қўзгатилиши ёки аксинча баъзида ҳатто мазкур турдаги тергов қилинган жиноят иши бўйича айланган шахсларга нисбатан судда оқлов эълон қилиниши каби тергов қилишнинг салбий амалиёти шаклланганингига сабаб бўлган.

Бу борадаги муаммоларни ҳал этиш лозим бўлган асосий йўналишлар — ташкилий-хукукий базани такомиллаштириш, рақамли технологияларнинг тўлиқ тизимини кенг жорий қилиш, терговчиларни малакасини ошириш ва тергов қилишнинг ягона яхлик механизмни ташкил этиш чора-тадбирларни кучайтириш.

3. Шу сабабли, мазкур меҳнат муҳофазасини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Жумладан:

ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича мунтазам ўкув курслари ва тренингларни жорий этиш орқали билим ва кўникмаларини ошириш;

меҳнат инспекцияларини кучайтириш ва хавфсизликка риоя этмаган ташкилотларга нисбатан жазо чораларини қўллаш;

хавфсизлик стандартларига жавоб берадиган янги ускуналардан фойдаланиш;

хавфли иш жараёнларини яхшилаш ва баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича дастурларни амалга ошириш;

мехнат муҳофазаси бўйича мажбурий аудит ва сертификатлаштиришни жорий этиш;

камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги қуи тузилмаларида ишлаб чиқаришда жароҳат билан боғлиқ ҳодисаларни автоматлашган қайд этувчи навбатчилик қисми, мониторинг ва таҳлил гуруҳлардан иборат (илмий изланувчи ва инновацион ёндашувлар) Марказ жорий этиш;

илмий тадқиқот институтлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган ахборот платформасини ташкил этиш;

мехнат муҳофазасига оид қонун ҳужжатларини аниқлаштириш, замонавий стандартларга мувофиқлиги ва ишчилар ва иш берувчилар ўртасида масъулиятни аниқ белгилаш равишда қайта кўриб чиқиши (*ҳозирда Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнатни муҳофаза қилишига оид ишлар самараదорлигини янада ошириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳаси кўриб чиқилмоқда*);

жиноятларни турларига кўра аниқ классификация қилиш (*масалан, “хавфли ишлаб чиқарши жараёнлари” ва “тажрибасизлик туфайли юзага келган жароҳатлар”ни алоҳида қайд этиш*);

ҳар бир иш берувчига меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилиш тўғрисидаги ҳисботларни Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тегишли худудий қуи тузилмаларга тақдим этиш мажбуриятини юклаш (*ВМ қарорида*);

хонадон ва бошқа шахсий обьектларда мустақил равишида қурилиш, таъмирлаш ҳолатларда (*уй қурилиши, таъмирланиши, қўшимча жиҳозланиши, том шефир ўрнатилиши ва бошқ.*) ушбу ишга жалб қилган бевосита масъул шахс (бригадир)нинг жавобгарлиги ҳукуқий асосини назарда тутиш (*ВМ қарори, ЖК ва МЖтК*);

техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофaza қилинувчи обьектларда оғир ва ўрта оғир тан жароҳати ёки ўлим билан боғлиқ ҳодиса содир бўлганда, обьект навбатчиси томонидан дарҳол “103” ва “102” қисқа рақамга хабар берилиши, шу заҳоти “102” томонидан эса меҳнат хавфсизлиги мутахасисларини ҳодиса жойига жалб қилишга оид амалиёт тизимини жорий этиш;

терговда мавжуд электрон базага, меҳнат инспекцияси билан ҳамкорлик мустаҳкамлаш ва тергов ишининг тез ва самараదорлигини ошириш мақсадида, электрон интеграция тизимини жорий қилиш;

тезкор, мустақил ва холис экспертизани таъминлайдиган эксперт-таҳлилий гурухлар ташкил этиш;

мехнат муҳофазаси қоидаларининг бузилиши натижасида юзага келган ҳодисаларда, техник экспертылар, меҳнат инспекторлари ва ишчи касаба уюшмалари иштирокида туманлараро ишчи гурухлардан иборат туманлараро экспертиза марказларини ташкил этиш (*ҳар бир тергов гуруҳида меҳнат муҳофазаси соҳасидаги мутахассис-экспертыларни жалб этиш*);

мазкур марказларда ҳодисаларни таҳлил қилиш учун замонавий ускуналар билан жиҳозланган техник лабораторияларни ташкил этиш;

терговчиларнинг меҳнат муҳофазаси соҳасида замонавий билим ва тажрибаларини ошириш ўқув курсларини ташкил этиш (*халқаро стандартлар ISO 45001 ва бошқалар асосида ўқув модулларини киритиши, хавфсизлик стандартлари, техник ускуналарни баҳолаши усуллари ва санитария-гигиена нормалари каби зарурӣ билим ва кўнікмаларни тушиунириши*) каби ташкилий-хуқуқий жиҳатлардан такомиллаштирилиши орқали меҳнат муҳофазаси самарали ва хавфсиз ривожи учун муҳим аҳамиятга эга.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳар қандай иш жойида хавфсизлик ва ходимларнинг саломатлигини таъминлашнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилишини яхшилаш бўйича турли қарорлар ва қонунчилик хужжатлари қабул қилинмоқда. Жумладан, халқаро тажрибалар ва илмий-тадқиқот ишлари меҳнат хавфсизлигини яхшилашнинг энг самарали усулларини белгилаб бермоқда.

Асосий мақсадлар — мазкур соҳада мавжуд муаммоларни ҳар жиҳатдан тўлиқ ўрганиш, бу борада асослантирилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, уни амалиётга кенг жорий этиш, пировардида хавфсиз ва самарали меҳнат муҳофазасига риоя қилиш даражасини ошириш, меҳнат муҳитидаги хавфсизликни тизимли таъминлаш, ишчи (ходим)ларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш, тизимли ёндашув орқали бу соҳада юқори натижаларга эришиш, жиноят содир этилишининг барвақт олдини олиш чораларини кўриш, айниқса замонавий “илмий диагноз” ёндашуви асосида тезкор, самарали ва адолатли тергов қилиш жараёнини такомиллаштиришга кўмаклашишдан иборат.

Меҳнатни муҳофаза қилиш нафақат ходимларнинг саломатлигини ҳимоя қилиш, балки меҳнат самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Албатта бу эса ўз навбатида, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигида меҳнат хавфсизлиги бўйича

стандартлар такомиллаштирилиши ва замонавий ёндашувлар жорий қилиниши келажакда иш жойларида хавфсизлик даражасини янада юқори босқичга олиб чиқади. Шу сабабли, меҳнат муҳофазаси тизимини яхшилаш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш таклиф қилинади:

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича ўкув курслари ва тренингларни жорий этиш.
2. Меҳнат инспекцияларини кучайтириш ва хавфсизликка риоя этмаган ташкилотларга нисбатан жазо чораларини кучайтириш.
3. Корхоналарда хавфсизлик стандартларига жавоб берадиган янги ускуналардан фойдаланиш.
4. Меҳнат муҳофазаси бўйича мажбурий аудит ва сертификатлаштиришни жорий этиш

Меҳнатни муҳофаза қилиш нафақат ходимларнинг саломатлигини ҳимоя қилиш, балки меҳнат самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Албатта, бу эса ўз навбатида, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигига меҳнат хавфсизлиги бўйича стандартлар такомиллаштирилиши ва замонавий ёндашувлар жорий қилиниши орқали иш жойларида хавфсизлик даражасини янада юқори босқичга олиб чиқади<sup>14</sup>.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.
3. Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнат хавфсизлигига оид конвенциялари.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг меҳнат хавфсизлиги бўйича қарорлари.
5. [www.osha.gov](http://www.osha.gov) – Халқаро меҳнат хавфсизлиги агентлиги сайти.
6. [www.ilo.org](http://www.ilo.org) – Халқаро меҳнат ташкилоти расмий сайти.
7. Қосимов Н. «Меҳнат ҳуқуқи асослари», Тошкент, 2018.
8. Раҳимов А. «Ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги», Тошкент, 2019.
9. Камилов Ю. «Корхоналарда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш», Тошкент, 2020.
10. Давронов Б. «Ишлаб чиқаришда хавфсизлик техникаси», Тошкент, 2021.
11. Тошев Р. «Меҳнат муносабатлари ва уларнинг ҳуқуқий асослари», Тошкент, 2022.

12. Абдуллаев А. «Ишлаб чиқаришда хавфсизликни таъминлаш усуллари», Тошкент, 2021.
13. Бекмуродов X. «Ишлаб чиқаришдаги хавфсизлик чоралари», Тошкент, 2021.
14. Йўлдошев М. «Зарарли ишлаб чиқариш омилларининг олдини олиш», Тошкент, 2020.